

ЮТУҚЛАР СОЯСИДА ҚОЛМАЙМИЗ...

Абдухамид КАРИМОВ

“Ўзстандарт” агентлиги Бош директори



Ўзбекистон – суверен давлат сифатида ўта қисқа муддатда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, салоҳияти, мавқеига эга бўлган мамлакатлар қаторидан жой олди. Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг 50га яқин давлати билан дипломатик алоқа ўрнатган бўлса, мамлакатимизда 40дан ортиқ хорижий давлатларнинг дипломатик идоралари фаолият кўрсатмоқда. Эътиборлиси, давлатимиз билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўяётган хорижий ташкилотларда аввало юртимиздаги тинчлик-тотувлик, ҳар бир соҳада мавжуд бўлган қатъий интизом, мутахассислар малакаси, ёшларга қаратилаётган эътибор жуда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон – суверен давлат сифатида ўта қисқа муддатда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, салоҳияти, мавқеига эга бўлган мамлакатлар қаторидан жой олди. Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг 50га яқин давлати билан дипломатик алоқа ўрнатган бўлса, мамлакатимизда 40дан ортиқ хорижий давлатларнинг дипломатик идоралари фаолият кўрсатмоқда. Эътиборлиси, давлатимиз билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўяётган хорижий ташкилотларда аввало юртимиздаги тинчлик-тотувлик, ҳар бир соҳада мавжуд бўлган қатъий интизом, мутахассислар малакаси, ёшларга қаратилаётган эътибор жуда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айниқса, республикамизнинг мустақиллик йилларида эришган залворли ютуқлари, хусусан бундан атига 10-15 йил аввал иқтисодий асосан импорт маҳсулотларга таянган мамлакатдан ялпи ички маҳсулот салмоғида экспортнинг ҳажми салкам 40 фоизга, айрим тармоқларда эса бундан ҳам юқори натижага эришган давлат сифатида дунёга юз тутгани ҳам жаҳонда “Ўзбек модули” сифатида тан олинган тараққиётнинг самарасидир.

Шу ўринда юртнинг истиқлол даври ютуқлари силсиласи бобида сўз юритар эканмиз, давлатимизнинг бу даражада жадал дунёга юз тутишига яна бир омил борки, у эътирофга лойиқ. Гап мавзуси Ўзбекистонимизда етиштирилаётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, уларнинг яқин ва узоқ хорижга экспорти хусусида борар экан айнан ана шу маҳсулотларимизнинг сифати, уларнинг дунёдаги бообру компания ва фирмалар маҳсулотидан кам эмаслиги Ўзбекистон номини танитишга хизмат қилапти. Маҳсулот сифатини таъминлаш аввало ишлаб чиқарувчилар олдидаги асосий вазифа бўлиши билан бирга уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ҳам катта масъулият юклайди.

Давлатимиз бош ислохотчи сифатида эса ишлаб чиқарувчининг ҳам, истеъмолчининг ҳам манфаатларини ҳимоялайди. Ана шундай ташкилотлардан бири “Ўзстандарт” агентлиги ва унинг тизим ташкилотларидир.

Давлатимиз раҳбари ўзларининг ҳар бир

чиқишларида тадбиркорларга, айниқса экспортёр корхоналарга амалий ёрдам бериш ва маҳсулотлар экспортга тўсқинлик килувчи ҳар қандай омилларни бағамом баргараф этиш юзасидан алоҳида тўхталиб ўтар эканлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз фаолиятларини мунтазам таҳлил этиб боришлари, ютуқлар соясида қолмасдан доимо юқори кўрсаткичларга интилиб ишлаш лозимлигига эътиборни қаратадилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан юклатилаётган долзарб вазифалар ижроси сўзсиз республикамизнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан янада фаолликни талаб этмоқда. Айни шу фикрлар 19 август куни “Ўзстандарт” агентлигида жорий йилнинг 7 ойи якунларига бағишлаб ўтказилган хайъат йиғилишида ҳам таъкидлаб ўтилди. Йиғилишда агентлик тизими ташкилотлари фаолияти таҳлил этилар экан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари, корхоналарга кўрсатилган хизмат ҳажми қарийиб 40 млрд. сўмга етгани, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130,4% ни ташкил этгани таъкидлаб ўтилди. Лабораторияларга 230 та замонавий жиҳоз харид қилинди. Тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш мақсадида жойларда янгидан 38 та мувофиқликни баҳолаш идоралари аккредитация қилиниб, 28 та мувофиқликни баҳолаш идорасининг аккредитация доираси кенгайтирилди. Пахтакор, Мирзачўл ва Чуст туманларида аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида метрологик хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди. Ҳозирда республикамиз вилоятлари марказларидан олисда жойлашган туманларда ташкил этилган ана шундай шахобчалар сони 32тага етди. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз-Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида Андижон шаҳрининг кичик саноат ҳудудида “Машинасозлик ва электротехника маҳсулотларини синаш мажмуаси” қисқа муддатда куриб ишга тушурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология



ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2935-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 октябрдаги 298-сонли “2020 йилгача бўлган даврда миллий сифат инфратузилмасини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларида белгиланган устувор вази­фалардан келиб чиққан ҳолда вилоятда машинасозлик йўналишида замон талабларига мос бўлган синаш мажму­аси ташкил қилинди.

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан 2,6 млрд сўм маблағ ажратилиб, шундан 1,8 млрд. сўм маблағ ҳисобига лаборатория биноси қуриб битказилди. Япония, Жанубий Корея, Россия ва Хитой давлатларида ишлаб чиқарилган ва юқори аниқликда ишлайдиган 35 та замонавий синов ускуналари ва ўлчов воситалари харид қилиниб лабораторияга ўрнатилди. Маълумки, Андижонда саноатни ривожлантириш, жумладан машинасозлик, электротехника ва автомобилсозликни янада ривожлантириш вилоят иқтисодиётининг устувор вази­фаларидан бир ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда бу соҳаларда 100 дан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда, 2 мингдан зиёд турли хилдаги маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва деталлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Вилоят марказида машинасозлик маҳсулотларини синаш лабораториясининг ташкил этилиши маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни тўлиқ синовдан ўтказишни таъминлаган ҳолда ишлаб чиқарувчиларга қўшимча қулайликлар яратади. Жумладан, авваллари ўз маҳсулотини синаш ишлари вилоятдан ташқарида, хаттоки бошқа хорижий мамлакатларда амалга оширилган бўлса, лабораториянинг ишга туширилиши натижасида эндиликда бу масалалар шу ернинг ўзида хал бўлиб, харажатлар қисқариши ва хорижий валютани тежаш имконияти яратилади. Замонавий синов ва ўлчов воситалари билан жиҳозланган ушбу лаборатория нафақат Андижон вилояти, балки водий минтақасида фаолият кўрсатаётган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини халқаро даражада баҳолаш ва уларни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.



Шу билан бирга 2017 йилнинг ўтган 7 оyi мобайнида:

Ўзгартиришлар киритилган ва давлат рўйхатида олинган стандартлар	1172та
Янгидан қабул қилинган ва давлат фондига киритилган стандартлар	12 минг 166 та
Янгидан қабул қилинган халқаро стандартлар	374 та
Халқаро талаблар билан уйғунлаштирилган стандартларнинг ўсиш даражаси	12,7% дан 14%
“Ўзстандарт” агентлиги тизим таъкилотлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари	61 106 та
Жорий йил 15 август ҳолатига сифат менеджменти жорий қилинган корхоналар	1 580 та
(шунинг 656 таси экспортёр корхона)	

Республика­ми­зда бугунгача Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ сифат менеджменти жорий этилган корхоналар сони 5 761 тани ташкил этмоқда. Йил бошидан буён сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларининг 325 тасида режавий инспекция назорати ўтказилди ва унинг натижаларига кўра:

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномалари тасдиқланган мувофиқликни баҳолаш органлари	162 та
Ўрнатилган талаб даражасида ўз фаолиятини йўлга қўймагани боис гувоҳнома­си тугатилган органлар	31 та
10 кунлик муддатгача тўхтатилган гувоҳномалар	163 та
Аккредитация доираси қисқартирилган орган	54 та
тани ташкил этмоқда.	

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республика­си­ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегия­си­да белгиланган 2 та қарор лойиҳаси тайёрланиб, ҳуку­матга киритилди. Ўзбекистон Республика­си­нинг “Метрология тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республика­си­нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Катталиклар бирликларининг қўлланилиши тўғрисида”ги қарори лойиларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда ҳуку­матга киритиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Агентлик тизимидаги 222 нафар раҳбар ва мутахассис Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида, 44 нафар мутахассис эса Беларусь Республика­си­ ва Туркия давлатида касбий малакаларини ошириб келгани ҳам йиғилишда қайд этиб ўтилди. Президентимиз томонидан жорий йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат Да-



стури ижросини таъминлаш мақсадида агентликда “Халқ қабулхонаси”, Бош директорнинг вертуал қабулхонаси, агентлик тизим ташкилотларида “Ишонч телефонлари” ташкил этилди. Тадбиркорлар, истеъмолчиларнинг мурувжасатларига масъулият билан ёндошган ҳолда улар амалдаги қонун талаблари асосида кўриб чиқилиб, ўз вақтида ҳал этилмоқда.

Агентлик тизим ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар билан бир қаторда афсуски айрим камчиликлар ҳам учрайди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 374 та халқаро стандарт қабул қилинган бўлсада, Тошкент шаҳрида 10 минг 969 та корхонадан атига 201 тасида ёки 1,8 % халқаро стандартлар жорий этилган ва шундан фақат 34 та корхонага халқаро стандартлар жорий этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 мартдаги 25-сонли баёни 8-бандига асосан ҳудудларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар туридан келиб чиқиб, халқаро стандартлар талабларини жорий этиш ва уларга эришиш бўйича Тошкент шаҳрининг 11 та тумани тадбиркорлари учун соҳага оид амалий семинарлар ўтказиш белгиланган бўлсада, аслида 6 та туманда семинар ўтказилган ҳолос. Бошқарма томонидан 8 та тадбиркорлик субъектида ўтказилган текширув натижалари юзасидан 7 та тадбиркорлик субъектига аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам ва кўрсатмалар берилмаган. Халқаро стандартларни жорий этиш ишлари Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятлари бошқармалари томонидан талаб даражасида ташкил этилмаган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Наманган, Олмалиқ, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш марказлари томонидан эса жиҳозларни харид қилиш муддатидан ортда қолмоқда.

Ҳозирда Давлат архитектура ва қурилиш, Давлат спорт қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2017 йил 3 мартдаги 24-сонли йиғилиши баёнининг 6-бандида белгиланган “Сейсмик туманларда қурилиш хавфсизлиги тўғрисида” ва “Спорт жиҳозлари ва инвентарлари хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламентлар ишлаб чиқилмоқда. Бу жараён мутахассислардан масалага ўта масъулият билан ёндошишни ҳам талаб этади. Маҳсулот сифати, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва жаҳон стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун корхоналарда сифат менежменти тизимларини жорий этиш бугуннинг муҳим вазифасидир. Афсуски, бу борада агентликнинг айрим ташкилотлари томонидан сусткашликка йўл қўйилмоқда. Таҳлиллар Тошкент шаҳрида кўрсаткич пастлигича қолаётгани, Наманган, Андижон ва Бекобод марказлари томонидан йил учун тасдиқланган бизнес режа параметрлари режага нисбатан удаланмади. Дебиторлик қарздорликни ундириш бўйича Бухоро ва Бекобод марказлари томонидан ишлар етарли даражада ташкиллаштирилмаган. “Жиззах синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси бугунгача қабул қилинган техник регламентларга мувофиқ сертификатлаштириш идораларининг аккредитация доираларини кенгайтирмагани ҳам ачинарли ҳолатдир. “Сурхондарё ССМ” давлат корхонасида ҳукуматимизнинг соҳага оид тегишли қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан ички буйруқлар муддатидан кечиктириб чиқарилган

бўлса, Жиззах вилояти СМБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5059-сонли фармони, Р-4957-сонли фармойиши, ПК-3016-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 265, 346, 360-сонли қарорлари ва 617-сонли фармойиши ижроси бўйича ички буйруқлар чиқарилмасдан маълумот учун қабул қилинган.

Президентимизнинг ташаббуслари ва бевосита бош-қошлигида мамлакатимизда экспорт ҳажми йил эмас, кун сайин орғиб бормоқда. Айниқса, Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони республикамизда ишлаб чиқарилаётган ва тайёрланаётган экспортбоп маҳсулотлар ва хорижий сармоялар салмоғини янада орғишига сабаб бўлади. Табиийки бу лабораторияларни замонавий, юқори аниқликдаги ўлчов ва синов ускуналари билан харид қилиш, қайта жиҳозлаш, модернизация қилишни талаб этади. Бу борада жорий йил охиригача 10,3 млрд. сўмлик янги жиҳозлар сотиб олиш, 25 ноябргача 492 та халқаро стандартларни қабул қилиш ишларини якунига етказиш режалаштирилган. Масъул мутасаддилар корхоналарнинг 2096 тасида, шундан 1265 экспортёр корхонада сифат менежменти тизимларини 1 декабргача жорий этишни якунлаш, техник регламентларни ишлаб чиқиш ва ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритишга шахсан масъул этиб белгиланганлар. Тизим раҳбарларига ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирликлар, уюшмалар, давлат қўмиталари билан тузилган чора-тадбирлар ижроси бўйича ҳар 15 кунда бажарилган ишлар юзасидан маълумот киритиб боришлари юклатилди. 2017 йил 1 октябрга қадар Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Наманган синов ва сертификатлаштириш марказлари синов лабораториялари халқаро аккредитациядан ўтказилиб, Қўйи Чирчиқ туманида метрологик хизмат кўрсатиш шаҳобчаси очилади. Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона марказларига сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш идорасини ташкил этиш, идорани 3 йиллик стратегиясини белгилаш ишларини якунига етказиш топширилди.

Ўта шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги даврда тармоқларга янги техника ва технологияларнинг жалб этилаётгани уларни бошқарадиган маҳоратли, маалакали мутахассисларга талабни ҳам кучайтирапти. Шу боис агентлик таркибидаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан ўқув дастурлари ва календар режаларни қайта кўриб чиқиш, тингловчиларнинг лаборатория ва амалий машғулотларни самарали ўтказишлари учун лабораториялари юқори технологияли ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган корхоналар билан келишув тузиш, малака ошириш сифатини яхшилаш мақсадида институтга хорижий етакчи ташкилотлар мутахассисларини жалб этиш устида иш олиб борилмоқда.

Агентлик тизимида олиб борилаётган бу каби ишлардан асосий мақсад эса ягона, у ҳам бўлса иқтисодиёти тобора эркин тус олаётган, ишлаб чиқариш суръати кўтарилаётган, жаҳон бозорида маҳсулотларимизга талаб орғиб бораётган бир даврда олдимизда турган вазифаларни юқори даражада удалаш ва мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига ҳиссамизни қўшишдан иборатдир.

